

МИЛЛИЙ ИННОВАЦИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ф. В. Шакирова

Тошкент давлат transport университети доценти

Abstract: This article explains the nature of the national innovation system. Also, the practice of creating technology parks in Great Britain is highlighted.

Key words: innovation, national innovation system, technological park, scientific park, technopolis, venture business.

Миллий инновация тизими шакллантириш концепцияси ўтган асрнинг 1980-йиллар бошидан ривожлана бошлади. Бунда “миллий” сўзи айнан “давлат” инновация тизими деган мазмунни англатади.¹

Инновацион иқтисодиётнинг ривожланиш тарихидан маълумки, миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлаш, уни инновацион ривожланиш моделига ўтказиш учун қуйидаги инновацион тизим асослари яратилган бўлиши талаб этилади (1-расм).

Республикамизда иқтисодий ўсишнинг инновацион моделига ўтиш, миллий иқтисодиётни янада жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг барча омиллари, яъни замонавий ўқув ва илмий тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлар, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, юқори интеллектуал, арзон ишчи кучи, тегишли минерал хом ашё базалари мавжуд. Инновацион тизимнинг муҳим унсурларидан бири унинг ташкилий асослари бўлиб, Ўзбекистонда инсон капиталининг сифати, даражаси ғоят юксак, жисмоний тайёргарлиги тезкор малакали иқтисослашув хусусиятига эга.

¹ Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш / ЎзФА, А.Ф. Расулевнинг таҳрири остида. -Т.; KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011.-77-б.



1-расм. Иновацион тизим асослари².

Республикада фан ва таълимни ривожлантириш инфратузилмаси, замонавий кадрлар тайёрлаш, лойиҳа-конструкторлик меҳнатини ташкил этиш усуллари, шакллари, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари ижобий ҳал этилган. Лекин, бу соҳада долзарб бир масала - Ўзбекистон арзон ва сифатли ишчи кучига эга, аммо улардан самарали фойдаланиш борасида муайян камчиликлар мавжуд.

Технополис – эркин иқтисодий зоналарнинг бир кўриниши бўлиб, ўзининг ҳудудий марказлари орқали юқори технологияли маҳсулот яратиш ва ўзлаштириб, инновацион жараёнларни фаоллаштирувчи мажмуадир. Технополислар – технопарклар ташкил этиш, уларни бошқариш орқали фойда оладиган тижорат компанияси бўлиб улар юқори ликвидли компаниялар ҳисобланади.

Технологик парк – муайян ҳудудда инновациялар яратиш, тижоратлаштириш мақсадида илмий тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юрти ва корхоналарнинг бирлашган мажмуаси. Бу мажмуанинг таркибий тузилиши – фанлар, олий ўқув муассасалари, ишлаб чиқариш ва капиталдан иборат бўлиб, улар ўзаро боғланган ягона организм бўлиб фаолият юритади. Технопарклар – энг замонавий, рақобатдош маҳсулот турини ишлаб чиқишга ихтисослашган махсус ҳудуд, марказ бўлиб, у ерда тор ихтисослашувга асосланган, юқори илмий-техник, технологияга эга ягона бизнес структурага кирувчи субъектлар фаолият кўрсатади .

² Муаллиф томонидан ишланган.

Бизнес инкубаторлар – ёш, инновацион тижорат фирмаларини етиштирувчи, уларга дастлабки даврда бошқарув, молия ва бошқа хизматлар соҳасида ёрдам берувчи кўп функцияли бизнес мажмуа. Улар янги ташкил этилган ишлаб чиқариш фирмалари ғоясининг реализациясини бизнес инкубаторда синаб кўриб, кейин мустақил фирмаларга айланишига ўзаро манфаатдорлик тамойили асосида ёрдам беради.

Венчур бизнеси – инновацион кичик корхона, тажриба-конструкторлик ишланмалар, юқори даражада фойдали бизнес лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ички ва ташқи венчурлар бўлиб, ички венчурлар ғоя муаллифининг тадбиркорлиги орқали ташкил этилади. Ташқи венчурлар - юқори хавф-хатарли лойиҳаларни амалга ошириш учун комбинациялашган, яъни турли манбалардан инвестицияларни жалб этади. Кўп ҳолларда пенсия жамғармаси, суғурта компаниялари маблағларини жалб этиш орқали инновациялар яратилади ва реализация қилинади. Венчур – инглиз тилидги «venture» сўзидан олинган бўлиб хатарли, “юқори рискли корхона” маъносини англатади.

Иқтисодий кластер тизими – бир неча ҳудудда ўзаро боғланган компаниялар бўлиб, уларнинг таркибида илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлири, замонавий жиҳозларни яратувчи, жўнатувчи, махсус хизмат кўрсатувчи, ягона тизимга кирувчи, лекин ҳар бири алоҳида тижорат корхоналари. Бунга АҚШдаги Силикон водийси мисол бўла олади. Кластерлар ўз иқтисодий моҳиятига кўра, алоҳида ташкилотлар, ҳудудий саноат мажмуалари, тармоқлар соҳаси ўртасидаги оралиқ боғловчи-воситачилик вазифасини бажаради.

Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётга ўтишга салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири чет эллардан юқори технологияли патентлар, лицензияларнинг кам харид қилинаётгани ва улар асосида замонавий саноат ишлаб чиқаришнинг ташкил этилмаганлигидир. Миллий иқтисодиётда замонавий техник-технологик укладнинг талаб даражасида шакллантирилмаганлиги эркин иқтисодий зоналар ташкил этишда кузатилаётган сусткашлиқлардир. Инновациялар туғиладиган технопарклар илмий-техник марказлар, бизнес инкубаторларнинг тизимли равишда миллий иқтисодиётда ташкил этилмаганлиги – ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики тарихан қисқа вақт ичида «бир сакраб» инновацион, индустриал иқтисодиётга ўтиш имкони йўқ. Инновацион иқтисодиётга ўтишнинг асосий шартларидан бири модернизация қилинган, юқори технологияларга асосланган рақобатдош саноат ва унинг етакчи соҳаларининг шаклланган тизими ҳисобланади. Бундан ташқари мамлакатда яратилаётган инновацион интеллектуал маҳсулотларнинг

асосий қисми юқори технологиялар амал қилиб турган соҳаларга тўғри келиши лозим. Ўзбекистонда эса бундай соҳалар бўлиб машинасозлик, электроника, фармацевтика, электротехника ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўлиши лозим.

Республикада самарали, барқарор иқтисодий ўсишга эришишдаги мавжуд муаммолар таҳлили шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган натижаларни қўлга киритиш билан бир қаторда бартараф этилиши лозим бўлган масалалар ҳам борлиги аниқланди. Мазкур масалаларнинг ҳал этилиши ўйлашми, иқтисодий ўсишнинг ички имкониятларидан янада самарали фойдаланишга, инновацион ишлаб чиқаришни шакллантиришга ва ҳалқимизнинг фаровонлигини юксалтиришда ижобий таъсир қилади.

Ўзбекистонда инновацион ривожланишга ўтишнинг қонунчилик, ташкилий, моддий-иқтисодий асослари яратилган. Лекин, инновацион иқтисодиётга ўтишнинг юқорида келтирилган деярли барча омиллари бўлишига қарамадан Ўзбекистонда бу соҳада айрим қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

-республикадаги инновацион фаолият субъектлари (Фанлар академияси, илмий текшириш институтлари, таълим, олий таълим муассасалари, илмий ишлаб чиқариш марказлари ва бошқалар)нинг инновацион иқтисодиётни шакллантиришдаги ҳаракатларининг сустлиги, замон талабига жавоб бермаслиги;

-инновацион иқтисодиётга ўтишда талаб этиладиган инфратузилманинг ҳудудлар кесимида номутаносиб, нотекис ривожланганлиги. Энг самарали ва истиқболли инновацион ишлаб чиқаришнинг марказий шаҳарларда тўпланиб қолганлиги, мамлакатнинг бошқа ҳудудлари асосан хом ашё ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчиларга айланиб қолганлиги;

-республикада фан-техника тараққиёти соҳасида эришилган, ишлаб чиқарилган илмий натижалар, янгиликлар, ихтиролар, техника ва технологияларни иқтисодий амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмининг ҳанузгача яратилмаганлиги;

-миллий иқтисодиётни инновацион ривожланиш релсига ўтказишнинг стратегик режаси, дастурининг ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда хўжалик амалиётида истиқболли прогнозлаш, режалаштириш, моделлаштириш ва дастурлаш усуллари кўлланилмаётганлиги;

-миллий иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри киритилаётган чет эл инвестицияларининг моддий ишлаб чиқариш секторига нисбатан аҳамият жиҳатидан иккинчи даражали соҳаларга кўпроқ йўналтирилиши. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга кам маблағ ажратилиши, моддий, илмий-техникавий базанинг заифлиги ва ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги;

-ходимлар томонидан ишлаб чиқариш жараёнида бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш ҳолатининг мавжудлиги. Чунки, инновацион янгиликлар ходимлар ўртасида ишсизликни, янги касбий малакага эга бўлишни, ишни янгича шароитда бошлашни, шаклланган одатларни бузиш ва янгиликни ўзлаштира олмаслик кўркуви каби ҳолатлар бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

REFERENCES:

1. Абдуллаева, М. Н., Саидахмадов, С. С., & Абдувоҳидов, И. А. (2021). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ.
2. Абдуллаева, М. Н. (2020). ИНВЕСТИЦИОННО-ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ПРЕДПРИЯТИЙ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ. In Устойчивое развитие экономики: международные и национальные аспекты (pp. 35-37).
3. Абдуллаева, М. Н. (2019). Бухгалтерский учет в процессе формирования стратегического управленческого учета.
4. Urashovna, A. L. (2022). The Impact of Information Warfare on the Socio-Economic Development of Society and the Issue of Information Security. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(1), 245-248.
5. Urashovna, A. L. (2022). The Impact of Information Warfare on the Socio-Economic Development of Society and the Issue of Information Security. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(1), 245-248.
6. Akbarova, L. U. (2022). SOME PROBLEMS OF LIFELONG EDUCATION IN UZBEKISTAN IN THE CONDITIONS OF A MARKET ECONOMY. *Journal of new century innovations*, 16(1), 130-132
7. Шадиева, Г. М., & Кувандиқов, Ш. О. (2022). РОЛЬ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ. *Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions*, 59-63.
8. Mardievna, S. G. (2022). WAYS TO DEVELOP ENTREPRENEURSHIP IN OUR COUNTRY. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 902-905.
9. Mardievna, S. G., & Shukhatovna, M. S. WAYS TO INCREASE INVESTMENT POTENTIAL IN SAMARKAND REGION.
10. Шадиева, Г. (2022). САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИ РИВОЖЛАНИШИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РОЛИ “МАҲАЛЛАБАЙ” ЁНДАШУВИ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a62. *Экономика и образование*, 23(5), 370-375.